



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 23 апрель, № 77 (5751)

Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 15 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»-ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758-I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 апрель
№ ЎРҚ—350

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчаси

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган мустақил фаолиятидир.

4-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи

Фуқаролар шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга оширади.

Фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга.

(Давоми 2-бетда).



ИСТЕЪДОД, МАҲОРАТ, САЛОҲИЯТ

Мамлакатимизда ўтказилаётган «Тасвирий санъат фестивали» ҳафталиги навқирон авлод иқтидорини ёрқин намоён қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ёшлар камолотида санъатнинг ўрни бекиёс. Зеро, ижодқор қалбидаги энг соф, беғубор ҳислар у яратган асарларга кўчади ва кўнглиларга нурафшонлик бахш этади. Шу маънода айтиш мумкинки, бундай бетақрор ижод намуналари униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг эзгулик руҳида вояга етишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бугун миллий санъатимизни янада раванқ топтириш, истеъдодли ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб рағбатлантириш йўлида амалга оширилаётган савй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шундай хайрли мақсад мужассам. Бинобарин, юртимизда санъатга ихлосманд истеъдод соҳиблари, ноёб иқтидор ва салоҳиятини жаҳон миқёсидаги нуфузли тadbирлар, йирик танловлар, фестивалларда намоиш этишга муваффақ бўлаётган интилувчан ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Эришилаётган бундай ютуқлар, муваффақиятлар эса, шубҳасиз, ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Шу кунларда байрамона санъат анжумани сифатида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган Тасвирий санъат



фестивалига таширф буюрсангиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Мазкур тadbир Ўзбекистон Бадий академияси, "Фонд Форум" ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида ташкил этилди. Ушбу йирик санъат фестивалида таниқли rassomлар билан биргаликда ижод оламига эндигина қадам қўйган қобилиятли талаба ва ўқувчилар, уларнинг

устозу мураббийлари, хорижлик санъатшунослар, ижодкорлар қатнашмоқда.

Фестиваль доирасидаги рангбаранг тadbирлар, маданий-маърифий форумлар, маҳорат сабоқлари, турли кўргазма ва концерт дастурлари пойтахтимиз ҳамда вилоятлардаги қатор маданий масканлар, кўргазма залларида юксак савияда ўтказилмоқда. Тасвирий санъат фес-

тивали дастуридан жой олган кўргазмалар беш кун давомида турли йўналиш ва мавзуларни қамраб олиши кўзда тутилган. Пойтахтимиздаги санъат қошоналари мезбонлик қилаётган ижодий анжуманларда эса ҳар бир вилоятдаги rassomлар гуруҳи ўз тақдимотлари билан қатнашади. Масалан, фестивалнинг илк кuni Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Навоий

вилоятлари rassomлари ҳамда пойтахтлик ижодкорларнинг "Обод турмуш йили" мавзuida-ги кўргазма, тақдимот ва маҳорат сабоқларига бағишланди. Шу кuni Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал бог-музейда Япон маданияти ҳафталигининг тантанали очилиши ҳам бўлиб ўтди.

(Давоми 4-бетда).



Фаровон ҳаётимизга ҳавас қилишмоқда

Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этиш учун юртимизга таширф буюрган чет эллик мутахассислар Самарқанд вилоятида келган чоғида бизнинг Қирқдархон қишлоғимизда ҳам меҳмон бўлдилар.

■ ДИЛ СЎЗИ

Улар, хусусан, 4 хонали уйимизда яратилган шарт-шароитлар билан янндан танишдилар. Меҳмонларда уйимизнинг ўзига хос лойиҳаси, ташқи ва ички дизайни, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Хорижликларни, ўзбекона одатимизга кўра, бир пиёла чоғга таклиф қилдик. Суҳбат чоғида мендан оилавий турмуш-қилиш ҳақида сўраб қолишди. Шунда бахтли ҳаётимиз ҳақида гапириб бердим.

Қишлоқ аҳолисига замонавий уй-жойлар олиш учун яратиб берилган имтиёзларни эшитган чет элликлар ҳайратини яшира олишмади.

Айниқса, эстониялик қурилиш бўйича мутахассиси Хенри Эннистенинг сўзлари қалбимда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди. Сабоби, у бундай тураржойларга эга бўлиш ҳозирги шароитда дунёнинг кўпгина давлатлари аҳолисининг энг катта орзуси эканлигини таъкидлаб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича Ўзбекистонда тўпланган тажрибани андоза сифатида қабул қилиш мумкин, дея алоҳида таъкидлади. Бу гапларни тинглаб, ич-ичимдан севиндим.

Ҳозир ўзимни дунёдаги энг бахтиёр аёллардан бириман, деб бемалол

айта оламан. Негаки, ҳавас қиладиган оилам, ширин-шакар фарзандларим бор. Улар билан шаҳардагидан қолишмай-диган кўркам уйда яшаймиз. Бундан ортқ бaxт бўладими?!

Илгари биз, қишлоқ аёллари шаҳарликларнинг ошхонасидаги шароитни орзу қилардик. Мана, эндиликда шундай қулайликларга эга бўлдик. Табиий газ дейсизми, иссиқ ва совуқ сув дейсизми, барчаси мукайё.

Шу билан бирга, маҳалламизда фарзандларимизнинг таълим олишлари учун замонавий мактаб, спорт майдонлари барпо этилган, тиббиёт муассасаси, савдо ва маи-

ший хизмат кўрсатиш мажмуалари ишлаб турибди. Шу боис бундай ҳовлиларга бўлган талаб тобора ошиб бораёпти. Бу талабни тўлиқ таъминлаш мақсадида қурилиш ишлари ҳам кенгайтириб борилмоқда. Биргина бизнинг қишлоғимизда намунавий лойиҳа асосида 2010 йилда 20 та уй-жой бунёд қилинган бўлса, 2011 йилда 69 та, 2012 йилда 169 та тураржой фойдаланишга топширилгани бунинг тасдиғидир.

Замонавий уйларда яшаган одамларнинг тафаккури, ҳаётга қарashi ўзгариб, эртанги кунга бўлган ишончи ҳам ортар экан. Бунга ўз ҳаётим тасдиғи бўлиб турибман. Тилагим шуки, улкан бунёдкорлик ишларининг бошида туриб, қишлоқ аҳолисига ота-ларча ғамхўрлик қилаётган Президентимиз омон бўлсинлар!

Матлуба ИСОҚОВА,
уй бекаси.
Оқдарё тумани

Илғор ишланмалар намоиши

Урганч шаҳрида "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" худудий ярмаркаси бўлиб ўтди.

■ ЯРМАРКА

Унда мамлакатимиздаги илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ҳамда олий ўқув юртилари олимлари, талаба-ёшлар ўзларининг 150 га яқин инновацион ғоялари ва ишланмалари билан қатнашди. Tadbир давомида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдор навларини яратиш, саноатда илғор инновацион технологияларни

қўллаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сувдан самарали фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ўн иккита йўналишдаги янги илмий ғоялар ва ишланмалар намоиш этилди.

— Ҳар йили анъанавий тарзда пойтахтимизда ўтказилиб келинаётган мазкур ярмарканинг жорий йилдан бошлаб худудий босқичлари ташкил қилинаётгани муҳим

аҳамиятга эга, — дейди Хоразм вилояти инновация фаолияти ва технологияларни трансфер қилиш маркази раҳбари Бахтиёр Рўзметов. — Бу худудларнинг илмий-техник салоҳиятини юксалтириш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга тadbик этиш, илмий янгиликка интилаётган ёшлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Tadbир ниясида 10 та номинация бўйича гоилиблар аниқланиб, улар диплом ва эсdalик совғалари билан тақдирланди. 20 дан ортқ илмий ғоя, ишланма ва лойиҳалар танлаб олинди, ярмарканинг республка босқичида қатнашиш учун тавсия этилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ БИЗ ВА ЖАҲОН

Бельгиянинг 1600 дан зиёд компания ва фирмаларини ўз атрофига бирлаштирган "Агория" саноат корхоналари Федерациясида мамлакатимиз савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Бельгияда тақдимот

Ўзбекистоннинг Брюсселдаги дипломатия миссияси кўмағида ташкил этилган ушбу тadbирда "Агория" Федерацияси ҳамда "Симатекс" тўқимачилик машинасозлари уюшмасига аъзо корхоналар вакиллари қатнашди. Тақдимот иштирокчилари юртимизда иқтисодиётнинг турли тармоқларини диверсификациялаш ва хорижий сармоядорлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан олиб борилаётган чора-тadbирлар билан атрофлича танишдилар.

Ўзбекистон — Бельгия ўртасида сармоявий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, жумладан, тахриба ва илғор технологиялар алмашинувини кенгайтириш, юқори қўшимча қиймат солиғига эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳар икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келиши тақдимот чоғида алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тadbир меҳмонлари эътиборига "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонасида хом ашёдан тортиб, тайёр маҳсулотгача бўлган қамровдаги ишлаб чиқариш мажмуаларини йўлга қўйишга хизмат қилувчи инфрақурилиш, транспорт ва бошқа имкониятлар, ишбилармонлик субъектларига тақдим

қилинган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақидаги батафсил маълумотлар ҳам ҳавола этилди. Тақдимот иштирокчилари дунёнинг турли мамлакатларига юк ташиш борасида "Навий" халқаро интер-модал логистика марказидан фойдаланиш имкониятлари билан алоҳида қизикдилар.

Тақдимотда "Агория" саноат корхоналари Федерацияси раҳбари Й. Ванг қайд этганидек, республикаимизда шакллантирилган қулай сармоявий муҳит, иқтисодий барқарорлик ҳамда саноат тармоқларини модернизация қилиш юзасидан ҳаётга тadbик этилган кенг қўламли ислохотлар Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан бир қаторда, Бельгия учун ҳам ҳозирча-дор ва истиқболли шериклардан бирига айланишини таъминлади.

Й. Вангнинг таъкидлашича, мазкур тақдимот Ўзбекистонда яратилган савдо-иқтисодий ва сармоявий муҳитнинг Бельгия компаниялари вакиллари томонидан юксак баҳола-нишини ҳамда уларнинг тўқимачилик, автомобил-созлик, электротехника ва ахборот технологиялари сингари соҳалардаги ўзаро манфаатли амалий алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканликлари-ни яна бир бор намоён қилди.

«Жаҳон» АА.
Брюссель

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида

(янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

5-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти-нинг асосий принциплари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборатдир.

6-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир (бундан буён матнда тегишли ҳудуд деб юритилади).

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллари тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг илтимосномалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиллаган тартиб-да амалга оширилади.

7-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шaroит яратади, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга кўмаклашади.

8-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

9-модда. Фуқаролар йиғини

Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалай-ди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади.

Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшaётган шахслар қатнашади. Фуқаролар йиғини органлари қуйидагилардир: фуқаролар йиғини кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналиш-лари бўйича комиссиялар; тафтиш комиссияси.

10-модда. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом

Фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фуқаролар йиғинининг номи; фуқаролар йиғинининг ҳудуди; фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари; фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) қақариш тартиби; фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби; фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш, тасдиқлаш ва тайинлаш тартиби; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналиш-лари бўйича комиссияларни тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби; фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби; фуқаролар йиғини расининг (оқсоқолининг) ва унинг маслаҳатчиларининг ваколатлари; фуқаролар йиғини масъул котибининг, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ваколатлари; фуқаролар йиғини фаолиятининг иқтисодий асоси; фуқаролар йиғинини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2-бoб. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари

11-мoддa. Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари

Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини:

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг ҳамда тафтиш комиссиясининг раисларини ва аъзоларини сайлайди;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳат-чиларининг ва фуқаролар йиғини девонининг микдор таркибини белгилайди, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига кўра фуқаролар йиғинининг масъул котибини тасдиқлайди;

фуқаролар йиғини кенгаши ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссия-лар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

фуқаролар йиғинининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлан-тиришни таъминлашга, тегишли ҳудуд доирасида обо-донлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режалари-ни тасдиқлайди;

аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, ушбу мақсадда марказлаштирилган тарзда ажратила-диган давлат маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мақсадли ва самарали фойда-ланилишини таъминлайди;

хар чорақда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолияти-нинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ҳамда тафтиш комиссияси раислари, «Маҳалла посбони» жа-моатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масала-лари бўйича маслаҳатчисининг ҳисоботларини эшитади; тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжат-ларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлариغا rioя этилиши, коммунал хизмат кўрса-тиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрса-тиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовиллар ва уй-лар атрофидаги ҳудудларни саклаш қоидаларига rioя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига, шунингдек референдум ўтказиш бўйича участка комиссияларининг аъзолигига номзодларни референдум ўтказиш бўйича тегишли округ комиссияларига тақдим этади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатли-гига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади; тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар беради;

хар чорақда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаро-лар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғин-ларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари-га юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритади, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади; атроф мухитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санита-рия ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзор-лаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доира-сида тегишли ҳудудда жойлашган қорхоналар, муасса-салар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади;

ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар йиғини мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, молиявий маблағларнинг сарфлани-ши устидан назоратни ташкил этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан сартароҳоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш бўйича устакхоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига майиш хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларни ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади (уларнинг фаолиятини тугатади);

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегиш-ли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария хижатдан тозалаш, кам таъминланган оила-ларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлаш-да, шунингдек коммунал хизматлари ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида жисмоний шахслардан маблағ йиғиш, юридик шахсларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғри-сида қарорлар қабул қилади;

атроф мухитни муҳофаза қилишга кўмаклашади; гузарлар барпо этиш масалаларини кўриб чиқади; маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларга ном бериш ва улар-нинг номини ўзгартириш ҳақида тегишли туманлар, ша-ҳарлар давлат органларига илтимосномалар киритади; ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш туман, шаҳар комиссияси-га ўз вакилини юборади;

хар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби тўғрисидаги, хўжалик бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс ҳақидаги, шунингдек деҳқон хўжалиги-нинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди;

коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзор-лаштириш, уйлар ва ҳовилларни намунали саклашга доир ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этишда шартнома асосида кўмаклашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, но-давлат нотихорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан уларга никоҳ тузишда ва тўй тад-бирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

тегишли ҳудуд доирасида жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредит-лар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлади.

Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Шаҳардаги маҳалла, шунингдек таркибида маҳалла-лар тузилмаган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини ушбу моддада назарда тутилган ваколатлардан ташқари, фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Таркибида маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклаш-да, уларнинг марказлаштирилган тарзда ажратилади-ган давлат маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.

12-мoддa. Шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари

Шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини:

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг ҳамда тафтиш комиссиясининг раисларини ва аъзоларини сайлайди;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг микдор таркибини белгилайди, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига кўра фуқаролар йиғинининг масъул котибини тасдиқлайди;

аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, ушбу мақсадда марказлаштирилган тарзда ажратила-диган давлат маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мақсадли ва самарали фойдала-нилишини таъминлайди;

хар чорақда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолияти-нинг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг ҳамда тафтиш комиссиясининг раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ҳисобот-ларини эшитади;

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжат-ларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларига rioя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрса-тиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовиллар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни саклаш қоидаларига rioя эти-лиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

молиявий маблағларнинг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзор-лаштириш бўйича тадбирлар режаларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотихорат ташкилотлар ва бошқа ташкилот-лар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

тегишли ҳудуд доирасида жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредит-лар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлади;

фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлма-ган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайин-лаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсад-ларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши-ни таъминлайди.

Шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-мoддa. Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинининг қарорларни бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғида даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолияти-ни амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузил-масининг раҳбари қиради.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши:

фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) қақиради;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналиш-лари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, ҳомийлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказади;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига кўра фуқаролар йиғини кенгашининг девонини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонун-чилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлариغا уларнинг сайловчи-лар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади; оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий,

спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни, шунинг-дек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ўтказишда, тегишли ҳудуднинг, сув таъминоти манбаларининг, турар жойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати, ёнгин-га қарши хавфсизлик талабларига, ҳайвонлар саклаш-ни ветеринария-санитария қоидаларига, савдо қоида-лари ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига rioя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига кўмаклашади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаёти-даги, оилада маънавий-ахлоқий мухитни шаклланти-ришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

руйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига rioя этилишини таъмин-лаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига rioя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

ёш авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларга патронаж ёрдами шу мақсадда ажратил-ган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағ-лари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар бандлигини таъминлашга, шу жумладан қасаначиликни ташкил этиш-га кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар, спорт майдончалари-ни жиҳозлаш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда саклаш, дафн этиш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда саклашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатна-шишини ташкил этади, ана шу мақсадларда туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органи ажратадиган мод-дий маблағлардан ва бошқа воситалардан, ўз маблағ-ларидан фойдаланади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашар-ни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади;

иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳудда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирлар-ни ўтказади;

деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқаролар-нинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш-да, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

уй-joy фондидан фойдаланиш ва унинг сакланиши-ни таъминлашда фуқароларга кўмаклашади;

аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

Фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида, ҳисоб-китобини банклар орқали амалга оширган ҳолда тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағ-ларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам бериш, фуқаролар йиғинлари органларининг ходим-ларини рағбатлантириш учун, шунингдек ободонлаш-тириш ва кўкаламзорлаштиришга оид ишларни ўтказишга ишлатади;

фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этишга кўмаклашади;

фуқароларни фуқаро муҳофазасига доир тадбир-ларни ўтказишга жалб этишга, ҳарбий хизматга мажбурлар ва қақирилувчиларни хабардор этиш ҳамда мудофаа ишлари бўлимиларига қақиршини ташкил қилишга кўмаклашади, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларига уларнинг шахсий-бирламчи ҳисоби юритилишини таъминлайди, мудофаа ишлари бўлими билан келишган ҳолда ҳарбий ҳисобни юритиш бўйича ходимни тасдиқлайди;

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбарини тайинлайди ва тузилмага аъзолар қабул қилади;

фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисини тайинлайди;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса фуқароларни,

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИФуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида(янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда).

эгасиз мол-мулкни, мерос тариқасида фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни, шунингдек даволаш муассасаларида турганлиги муносабати билан вақтинча бўлмаган ёлғиз шахслар-нинг мол-мулкни, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки васийлик ва ҳомийликда турган, оилага тарбияга топширилган етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулкни сақлаш бўйича чора-тадбирларни кўради; спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижа-сида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топилш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муома-лага лаёқатсиз деб топилш ҳақида судга ариза беради; кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-хой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига янги дафн этиш жойларини барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш ҳақида таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомий-лик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаш-тиришга кўмаклашади;

ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингди-риш ҳолларнинг олдини олишга доир ишларни ташкил этади, вийждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

фуқаролар йиғинининг масъул котиби, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, ҳарбий ҳисобни юритиш бўйича ходимнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

фуқароларни қабул қилишни амалга оширади, уларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқади;

фуқароларга уларнинг оилавий ва мулкий аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлайди;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларига ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга тақдимномалар киритади;

тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, моддий маданий мерос объектлари ҳақида маълумотлар сўрайди ва олади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгилан-ган намунадаги гувоҳномага эга бўлади. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) гувоҳномаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-модда. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан ўлимни қайд этиш ва ишончномаларни тасдиқлаш
Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгиланган тартибда ўлимни қайд этиши мумкин. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посылкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муно-сабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банклардан сўмаларни олишга ишонч-номаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин.
16-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжат-ларнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;

тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш;

давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати оммавий ахборот восита-лари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатлари-га мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт.

17-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хўнарамдчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида(янги таҳрири)

Маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмайди. Маслаҳат марказлари фаолияти билан боғлиқ харажат-лар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашади, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар беради. Тегишли ҳудудда жойлашган таълим муассасалари фуқаролар йиғини сўровига биноан маслаҳат марказ-ларига қисқа муддатли қўрсларни ўтказиш учун ўқув жараёнларидан бўш бўлган ўқув хоналарини бериб туриши мумкин.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар маслаҳат марказларининг ишида қатнашиши, хусусан, қисқа муддатли қўрсларда таълим бериши, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Маслаҳат марказлари:

тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғриси-даги ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асос-ларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли қўрслар таш-кил этади, шунингдек уларга тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот беради;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлашишга, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилот-ларга, шунингдек хўнарамдларга бириктирилишига кўмаклашади;

тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркор-лик фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат тўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хўнарамдчилик фаолияти субъектларига қонун ҳужжат-ларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлан-тириш мақсадида кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади.

Маслаҳат марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маслаҳат маркази тўғрисидаги низом фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

18-модда. Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси
Фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги комиссиялар тузилади: яраштириш комиссияси; маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия; ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия; хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия; вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия; тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия; экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаш-тириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия; жамоатчилик назорати ва истеъомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Комиссияларга раҳбарлик, коида тариқасида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади.

Комиссия аъзоларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш йўли билан, фуқароларнинг қонунда белгилан-ган сайлов ҳуқуқлари қафолатлари таъминланган ҳолда амалга оширилади. Комиссия таркибига номзоди кўрсатилган шахс фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг яримдан кўпи уни ёқлаб овоз берган тақдирда сайланган ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдор бўлади.

Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғини бошқа органининг аъзоси бўла олмайди.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналиш-лари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси ўз фаолиятини фуқаролар йиғини томонидан тасдиқлана-диган низомлар асосида амалга оширади.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комис-сияси тўғрисидаги намунавий низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

19-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорларининг мажбурийлиги
Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сааб бўлади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёхуд суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

3-боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш
20-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлашти-риш бўйича республика кенгаши томонидан, Қорақал-погистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда эса — мувофиқлаштириш бўйи-ча тегишли кенгашлар томонидан амалга оширилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тегишли кен-гашларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколат-лари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқландиган низомларда белгиланади.

21-модда. Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш тартиби
Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), кенгаши томонидан заруратга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, туман, шаҳар ҳокимининг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирили-ши мумкин. Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг яримдан кўпроги ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир. Фуқаролар йиғинини олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очик ёки яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Фуқаролар йиғинида ўтказилган санаси, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарор-лар кўрсатилган баённома юритилади. Фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарори фуқаролар йиғини-нинг раиси (оқсоқоли) ва масъул котиби томонидан имзоланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) йўқлигида, фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарори раиснинг маслаҳатчиларидан бири ва масъул котиб томонидан имзоланади. Фуқаролар йиғинини чақирishнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар йиғини кенгаши фуқаролар ва-килларининг йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади. Таркибida маҳаллалар мавжуд бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар вакил-ларининг йиғилишига маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади. Вакиллик нормасини фуқаро-лар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтка-зишга кўмаклашувчи тегишли комиссия белгилайди. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда фуқаро-ларнинг ҳовлилар, уйлар, кўчалар ва маҳаллалардаги вакилларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир ҳамда ушбу Қонунда фуқаро-лар йиғинларини ўтказиш тартибига қўйиладиган талабларга мувофиқ ўтказилади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ўз фаолиятларига доир масалалар бўйича маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

22-модда. Фуқаролар йиғини кенгашининг иш тартиби
Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан заруратга кўра, лекин оийда камида бир марта ўтказилади. Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан яримдан кўпроги ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.
23-модда. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш
Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонунда белгиланади.
24-модда. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан заруратга кўра, лекин оийда камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан яримдан кўпроги ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

23-модда. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш
Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонунда белгиланади.
24-модда. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) умумқабул қилин-ган ахлоқ, одоб нормаларини қўпол равишда бузувчи, раис (оқсоқол) мақомини бадном қилувчи ва фуқаро-лар йиғини обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва ножўя ишлар содир этган, шунингдек ўз вазифа-ларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажар-маган тақдирда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакил-ларининг йиғилиши) томонидан қарор қабул қилинганда;
у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
у суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;
у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;
у соғлиги ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;
у вафот этганда.

25-модда. Фуқаролар йиғини органларининг фаолиятини ташкил этиш

Фуқаролар йиғини органларининг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) амалга оширади.

Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш раиснинг (оқсоқолнинг) тақдими бўйича фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин, унинг миқдор таркиби фуқаролар йиғини томонидан белгиланади. Масъул котиб ва кенгаш девони ходимлари фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайди, фуқаролар йиғинининг, фуқаролар йиғини кенгашининг ва фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқо-лининг) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказили-шини таъминлайди, иш юритишни олиб боради.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳ-бари фуқаролар йиғинининг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланиши мумкин.

4-боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг иқтисодий асослари
26-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан барпо этилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший объектлар ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мол-мулк уларнинг мулкидир. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан қўриланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек қонун ҳужжат-ларига мувофиқ ушбу объектлар билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари коммунал хизматлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланади.

27-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари банк ҳисобварағидаги молиявий маблағларини қонун ҳуж-жатларида белгиланган тартибда мустақил тасарруф этади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари олиб қўйилиши мумкин эмас. Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағ-лардан фойдаланиш тўғрисида ҳар чоракда фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беради.

28-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига солиқ солиш
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига нодавлат нотижорат ташкилотлар учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлайди.
5-боб. Якунловчи қоидалар
29-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоби ва ҳисоботи
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда давлат статистика ва солиқ хизмати органларига ҳисобот тақдим этади.

30-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари кўриб чиқилишининг шартлиги
Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколат-лари доирасида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шарт.
31-

ИСТЕЪДОД, МАҲОРАТ, САЛОҲИЯТ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намоиш этилган тасвирий ва амалий санъат намуналари юртимизнинг гўзал, бетакрор табиати, миллий анъанаю қадриятлари, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини ранг-баранг бўёқларда акс эттирганлиги билан кўпчилиқда қизиқиш уйғотди.

— Тасвирий санъат фести-

валининг пойтахтимиздаги маданий тадбирлариға кўпгина таниқли ва ёш ижодкорларимиз билан биргалиқда ташриф буюрдик, — дейди Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Гулбаҳор Изентаева. — Илк кўргазмамизда Ажинияз Худайберганов, Жўлдасбек Қуттимуратов, Жуллибай Изентаев, Базарбай Серекеев сингари маҳорат соҳибларининг бетакрор ва гўзал санъат асарлари

мухлислар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Айниқса, рассомларимизнинг “Жиров”, “Нотаниш”, “Орол изтироблари”, “Онаизор”, “Меҳмонга” номли асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

— Мафтункор Ўзбекистонга бу йил иккинчи бор келишим, — дейди Украинанинг Тасвирий санъат ва архитектура миллий академияси проректори Остап Ковальчук. — Юртингизнинг Бухоро, Самарқанд каби афсонавий шаҳарларини

зиёрат қилганман. Очиғини айтсам, Ўзбекистонликларни кўп минг йиллик бебаҳо анъаналарни асраб-авайлаб келаётган халқ сифатида ҳурмат қиламан. Шу маънода, бугунги санъат фестивалида қатнашаётганимдан бениҳоя мамнунман. Тадбирда биз, украинлик бир гуруҳ рассомлар график асарларимизни намоиш этамиз. Бундан ташқари, ёш мусаввирлар учун маҳорат дарсларини ҳам ўтказиш ниятидамиз.

Фестиваль дастуридан жой олган маданий-маърифий тадбирлар бугун Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Камолитдин Бехзод номидаги мемориал боғ-музей, Бадий академиянинг марказий кўргазмалар зали ҳамда унинг атрофидаги кўча ва хиёбонлар, шунингдек, барча вилоятлардаги маданият масканларида бўлиб ўтади.

Муборак ОХУНОВА,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



Реклама ўрнида



Жаҳон банкининг сарҳисобига кўра, 2012 йилда бизнесни юритиш бўйича рейтингда Ўзбекистон юқори поғонага кўтарилди. Бундай ютуққа эришишда мамлакатимиз молия-банк тизимининг ҳам муносиб улуши бор, албатта. “Микрокредит-банк” очiqқ акциядорлик тижорат банки томонидан амалга оширилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

чилик шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга кенг қўламдаги хизмат кўрсатиб келаётгани ана шундан далолат беради.

Шу билан бирга, банк “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида қизгин фаолият юрита-япти. Хусусан, аҳоли бандлиги даражасини ошириш,

лиятини рағбатлантириш, уларнинг иқтидорини намоён этиш ҳамда рўзгор ишларини енгиллаштириш мақсадида қўлай шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга оширмоқда.

Эътиборли жиҳати, жорий йилда мазкур молия муассасаси томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар миқдорини 243,5 млрд. сўмга етказиш кўзланган. Бу эса республикамизда 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 95,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Жумладан, 50,2 млрд. сўмлик имтиёзли микромолиявий хизмат кўрсатилди. Оилавий, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектлариға ажратилган кредитлар миқдори эса 6 млрд. сўмдан ортиб, жами 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

2013 йилнинг ўтган ойлари давомида эса банк томонидан янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишға доир лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари тайёрлашни қўлайлаштириш мақсадида 7,7 млрд. сўм миқдориде кредитлар ажратилгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Изчил тараққиёт мезони



бошлаш ҳамда мустақил ҳаётға кириб келишда уларға зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари, амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ва уларнинг уй-жой ҳамда маиший шароитларини яхшилаш мақсадида давлат ҳокимияти, ҳўжалик бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари қаторида тижорат банклари зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилган.

Жумладан, ёш оилаларға уй-жой сотиб олиш, қуриш ёки таъмирлаш, уй ҳўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар харид қилишға кўмаклашиш мақсадида уларға имтиёзли шартларда ипотека ва истёмоол кредитлари ажратиш кўзда тутилган. Бу юртимизда эртанги кун эгаларига бўлган эътибор ва ғамхўрлик нақадар юксак эканлигининг яққол ифодасидир.

Президентимиз ўтган йили бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу масалаға алоҳида ургу бериб, “Замонавий уй-жой ва коммуникация тармоқлари барпо этиш, умуман, ободончилик масаласи аҳоли турмуш маданиятини оширишнинг асосий мезони, фаолиятимизнинг бош мақсади бўлиб келаётгани яхши маълум”, дея таъкидлади. Дарҳақиқат, шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган бири-бирдан гўзал, жаҳон андозаларига мос тураржойлар, коммуникация тармоқлари, шунингдек, уларға уйғун тарзда қад ростлаётган ижтимоий инфраструктура объектлари яхлит бир комплекс тарзда ана шу эзгу мақсадға хизмат қилмоқда.

Юртбошимизнинг юқорида номи келтирилган Фармони эълон қилинганидан сўнг биргина “Ипотека-банк”нинг Фарғона филиали томонидан 7,7 миллиард сўм миқдориде имтиёзли ипотека ва истёмоол кредитлари берилди. Бу моддий кўмақдан вилоятда яшаб, меҳнат қилаётган 402 ёш оила баҳраманд бўлди. Айтиш жоизки, кредит маблағларини ажратиш ҳажми йилдан-йилға ўсиб бораёпти. Масалан, 2012 йилда ёш оилаларға 2008 йилдагига нисбатан 34 фоиз кўп кредит йўналтирилди. Эътиборли жиҳати, улар имтиёзли кредитлар ставкасидан тўлиқ фойдаланиш аяпти. Ўтган йиллар мобайнида солиқ имтиёзлари қўлланиши натижасида 698 миллион сўм маб-

лағ эндиғина катта ҳаёт йўлиға кириб келаётган ёшлар ҳисобиде қолди. Бундан ташқари, солиқ юқини камайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳам ёшларимиз учун янада қўлайлик яратаяпти. Агар 2008 йилда ёш оилаларға ажратилган кредитлар бўйича солиқ имтиёзлари 21 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 15 баробарға ортиб, 308 миллион сўмга кўсди.

Биз, молия муассасалари вакиллари мижозларимиз талабини вақтида қондира олганимиздан, уларға моддий жиҳатдан кўмак бериб, турмушлари фаровонлиғига ҳисса қўша олганимиздан ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Айниқса, ёш оила вакилларининг миннатдорлик туйғуси йўғрилган дил сўзларини эшитиш кишини янада қувонтиради. Айтайлик, Данғара туманида истиқомат қиладиган оила кўрган ўткиржон

Мелибоев янги тураржой сотиб олиш мақсадида кредит сўраб, “Ипотека-банк” Фарғона филиалиға мурожаат қилганди. Тез орада унинг истағи қондирилди ва 34 миллион 458 минг сўм миқдориде кредит маблағи берилди. Давлатимиз томонидан ёшларға яратилаётган бундай қўлайлик ва имкониятлардан мамнун бўлиб юрган ўткиржон ақинда бир қизиқ гапни айтиб қолди: “Агар оиламизнинг бир ойлик даромади ўртача 682 минг

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. “Ипотека-банк” Фарғона вилояти филиали жамоаси бундан кейин ҳам давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатдан қўлаб келиб, эртағиз эгаларини моддий жиҳатдан қўлаб-қувватлашда давом этади.

Ахмалжон МўМИНОВ,
«Ипотека-банк»
Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси.

Асосий мақсад — турмуш ободлигини янада юксалтириш

Гап шундаки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредит-банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси ўзининг қарийб етти йиллик фаолияти давомида барқарор ва ишончли молиявий ташкилот сифатида тадбиркорларнинг ишончини қозонган бўлса, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўлаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса унга янги уфқларни очиб берди.

Айни пайтда “Микрокре-



дитбанк” жамоаси юртимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан

қўлаб-қувватлашға алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг 84 филиали, 178 та минибанки ва қўлаб агентликлари турли мулк-

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, оилавий корхоналар, хотин-қизлар фео-

Муносиб рағбат, қўлай шарт-шароит

Мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг турли соҳалардаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, тадбиркорлик қобилиятини намоён қилиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш йўлида ҳам банк томонидан амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда семинарлар ташкил этаётгани шулар жумласидандир. Аниқроқ айтганда, жорий йилнинг ўтган даврида 11 вилоятнинг 24 туманидаги 67 та аҳоли яшаш пунктида семинарлар уюштирилди. Ўз навбатида, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўлаб-қувватлашға 14 млрд. сўм миқдориде кредит ажратилди. Пировардида 6 мингдан зиёд иш ўрни очилди.

Бундан ташқари, Германия Жамғарма кассалари фонднинг аёл тадбиркорларни молиявий қўлаб-қувватлаш лойиҳалари доирасида Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида фаолият юритаётган хотин-қизларға хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, паррандачилик, қорвачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадлари учун 815,8 млн. сўм миқдориде кредитлар берилди.

Банк томонидан Ижтимоий ташаббусларни қўлаб-қувватлаш фонди билан ҳамкорликда “Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятиға жалб

қилиш” лойиҳаси ҳам амалга оширилаётгани эътиборға лойик. Унга кўра, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 5 минг нафар тадбиркор ва фермер аёлға 20 млрд. сўм миқдориде имтиёзли кредитлар ажратилгани, 733 нафар тадбиркорға эса 3,7 млрд. сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлиғида “Микрокредитбанк” томонидан “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳўқуқларини ҳаётға кенг татиқ этиш” лойиҳаси доирасида, гуруҳ қафиллиги остида имтиёзли бошланғич сармоё сифатида микрокредитлар ажратиш лойиҳасининг 2-босқичи ҳам амалға оширилмоқда. Ушбу лойиҳа қўлида хунари бўлган, ўзи маблағ топишни истаётган хотин-қизларни бирлаштириб, уларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишға хизмат қилади. Шу мақсадда банк мутахассислари иштирокида ўтган даврда Қонлиқўл, Қарши, Тошлок, Фориш, Мирзаобод, Юқори Чир-

чик туманларида семинар-тренинглр ташкил этилди. Гуруҳ аъзоларига бизнес-режаларини ишлаб чиқишда амалий кўмак берилди. Натижада гуруҳ аъзолари сони 500 дан ортиди. Улар орасида кредит олиш учун зарурий таъминотга эға бўлмаганларға эса жорий йилнинг апрель-май ойлари давомида қафиллик асосида имтиёзли бошланғич сармоёлардан фойдаланиш ҳўқуқи бериш мўлжалланмоқда.

Аҳолиға сервис хизмати кўрсатишға доир лойиҳаларни молиялаштириш масаласи ҳам жамоанинг диққат-марказида турибди. Шу мақсадда 17,6 млрд. сўм миқдориде кредитлар ажратилган бўлса, имтиёзли микрокредитлар миқдори 7 млрд. сўмдан ошди. Пировардида 5 минг 300 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Сирасини айтганда, “Микрокредитбанк” очiqқ акциядорлик тижорат банки жамоаси мамлакатимизда амалға оширилаётган иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириш йўлида фаол иш юритмоқда. Асосий мақсад — бундан бўён ҳам минглаб оилалар фаровонлиги ва юрт тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдир.

Банк матбуот хизмати.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 822 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.